

**Шамоилул-Муҳаммадия / РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ
ВАСАЛЛАМНИНГ КҶРИНИШЛАРИ / 8-ҳадис**

8- حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ كَيْعٍ، قَالَ: حَدَّثَنَا جُمَيْعُ بْنُ عُمَرَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْعَجَلِيُّ، إِمْلَاءً عَلَيْنَا مِنْ كِتَابِهِ، قَالَ: أَخْبَرَنِي رَجُلٌ مِنْ بَنِي تَمِيمٍ، مِنْ وَلَدِ أَبِي هَالَةَ زَوْجِ حَدِيحَةَ، يُكْنَى أَبَا عَبْدِ اللَّهِ، عَنِ ابْنِ أَبِي هَالَةَ، عَنِ الْحَسَنِ بْنِ عَلِيٍّ، قَالَ: سَأَلْتُ حَالِي هِنْدَ بْنَ أَبِي هَالَةَ، وَكَانَ وَصَافًا، عَنْ حَلِيَّةِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَأَنَا أَشْتَهِي أَنْ يَصِفَ لِي مِنْهَا شَيْئًا أَتَعَلَّقُ بِهِ، فَقَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَحْمًا مُفَحَّحًا، يَتَأَلَّأُ وَجْهَهُ، تَأَلُّؤُ الْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ، أَطْوَلُ مِنَ الْمَرْبُوعِ، وَأَقْصَرُ مِنَ الْمُشَدَّبِ، عَظِيمُ الْهَامَةِ، رَجُلٌ الشَّعْرِ، إِنْ انْفَرَقَتْ عَقِيْقَتُهُ فَرَقَهَا، وَإِلَّا فَلَا، يُجَاوِزُ شَعْرُهُ شَحْمَةَ أُذُنَيْهِ إِذَا هُوَ وَقَرُهُ، أَزْهَرُ اللَّوْنِ، وَاسِعُ الْجَبِينِ، أَنْجُ الْحَوَاجِبِ، سَوَابِعٌ فِي غَيْرِ قَرْنٍ، بَيْنَهُمَا عِرْقٌ، يُدْرُهُ الْعَضْبُ، أَقْتَى الْعَرْنَيْنِ، لَهُ نُورٌ يَغْلُوهُ، يَحْسَبُهُ مَنْ لَمْ يَتَأَمَّلْهُ أَشَمًّا، كَثُ اللَّحِيَّةِ، سَهْلُ الْخَدَّيْنِ، ضَلْبِعُ الْقِمِّ، مُفَلَّجُ الْأَسْنَانِ، دَقِيقُ الْمَسْرَبَةِ، كَأَنَّ عُنُقَهُ حَيْدُ دُمِيَّةٍ، فِي صَفَاءِ الْفِضَّةِ، مُعْتَدِلُ الْخَلْقِ، بَادِنٌ مُتَمَاسِكٌ، سَوَاءُ الْبَطْنِ وَالصَّدْرِ، عَرِيضُ الصَّدْرِ، بَعِيدٌ مَا بَيْنَ الْمَنْكَبَيْنِ، ضَحْمُ الْكَرَادِيْسِ، أَنْوَرُ الْمُتَجَرِّدِ، مَوْصُولٌ مَا بَيْنَ اللَّبَّةِ وَالسُّرَّةِ بِشَعْرٍ يَجْرِي كَالْحَطِّطِ، عَارِي الثَّدْيَيْنِ وَالْبَطْنِ مِمَّا سِوَى ذَلِكَ، أَشَعْرُ الدَّرَاعَيْنِ، وَالْمَنْكَبَيْنِ، وَأَعَالِي الصَّدْرِ، طَوِيلُ الرَّئْدَيْنِ، رَحْبُ الرَّاحَةِ، شَتْنُ الْكَفَّيْنِ وَالْقَدَمَيْنِ، سَائِلُ الْأَطْرَافِ أَوْ قَالَ: سَائِلُ الْأَطْرَافِ حُمَصَانُ الْأَحْمَصَيْنِ، مَسِيحُ الْقَدَمَيْنِ، يَنْبُو عَنْهُمَا الْمَاءُ، إِذَا زَالَ، زَالَ قَلْعًا، يَخْطُو تَكْفِيًّا، وَيَمْشِي هَوْنًا، ذَرِيْعُ الْمَشِيَّةِ، إِذَا مَشَى كَأَنَّمَا يَنْحَطُّ مِنْ صَبَبٍ، وَإِذَا انْتَفَتَ انْتَفَتَ جَمِيْعًا، حَافِضُ الطَّرْفِ، نَظَرُهُ إِلَى الْأَرْضِ، أَطْوَلُ مِنْ نَظَرِهِ إِلَى السَّمَاءِ، جُلُّ نَظَرِهِ الْمَلَاخِظَةُ، يَسُوْقُ أَصْحَابَهُ، وَيَبْدَأُ مَنْ لَقِيَ بِالسَّلَامِ

«Тоғам Ҳинд ибн Абу Ҳола (одамни) васфлашда ўта моҳир эди. Тоғам менга у зотнинг сифатларидан бирортасини айтиб берсалару, мен ўша сифатни билиб олсам деган эдим. Тоғамдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатларини васфлаб беришларини сўрадим. У киши деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюк, (одамлар томонидан) улуғланган зот эдилар. Тўлин ой нур таратгандақа юзлари порлаб турарди. Ўрта бўйлидан сал узунроқ, баланд бўйлидан пастроқ эдилар. Бошлари катта, сочлари (силлиқга тортадиган) жингалак эди. Кокилилари фарқ очиладиган даражада силлиқлашса, фарқ очар, бўлмаса шундай қолдирар эдилар. Сочларини фарқ қилмасдан шунчаки қолдирганда қулоқларининг юмшоғидан ўтиб кетарди. Ранглари нур сочувчи, чарақлаб турувчи оқ, пешоналари кенг, қошлари ойсимон узунчоқ. Қошлари мукамал бўлиб, бир-бирига уланмаган ҳолда бир-бирига яқин эди, икки қошларининг ўртасидан томир ўтган бўлиб, ғазаблари чиққанда ўша томир шишарди. Бурунлари узунчоқ бўлиб, унинг нури бор эди. Нурга беътибор қараган одам у зотни дўнг бурун деб ўйлар эди. Серсоқол эдилар. Яноқлари бўртиб чиқмаган эди. Оғизлари катта, олд тишлари ораси очиқ, кўксиларидан киндиккача бир чизикда ўсган ингичка туклари бор эди. Бўйинлари чизиб қўйилган суратдек соф кумушга ўхшаган мусаффо эди. У зотнинг барча аъзолари мўътадил эди. Этли ва тетик эдилар. Қоринлари чиқмаган, кўксилари билан баробар эди. Кўксилари кенг ва икки елкалари ораси катта эди. Бўғинлари йирик, баданлари айблардан холи мунаввар эди. Кўксиларидан киндикларигача худди чизик тортилгандек тук бор эди. Қорин ва кўкраклари тукдан холи эди. Икки зироълари, елкалари ва кўкракларининг тепа қисмида тук бор эди. Билаклари узун, кафтлари кенг, оёқ ва қўл панжалари йўғон, аъзоларининг барча томони мўътадил эди. [Ёки: «Аъзоларининг барча томони бироз кўтарилган эди», деди]. У зотнинг товонлари ясси ҳам эмас, бўртиб ҳам чиқмаган мўътадил эди. Оёқлари силлиқ ва текис эди. Сув қуйганда, ҳамма сув оёқларидан оқиб тушарди. Юрганда ердан тортиб олгандай оёқларини ердан кўтарар ва қоматларини тик қилиб юрар ва шошилмасдан оҳиста юрар эдилар. Катта катта қадам ташлар эдилар. Юрганда гўё қияликдан тушаётгандек қадам босардилар. Қайрилиб қараганда бутун жисмлари билан бурилар эдилар. Юрганда кўзлари ерга қадалган эди. Осмонга қарашлари билан ерга қарашлари солиштирганда, ерга қарашлари кўпроқ эди. Нарсаларга назар ташлашларининг аксари мулоҳазали назар эди. Юрганда саҳобаларини олдинга ўтказиб ўзлари уларнинг орқасидан юрар ва йўлиқган одамга биринчи бўлиб салом берар эдилар».

Шарҳ: Бу ҳадисда Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васалламнинг юқоридаги ҳадисларда санаб ўтилмаган бир неча васфлари айтилмоқда. Келинг улар биланг ҳам танишиб чиқамиз:

«Пешоналари кенг» пешона кенглиги барча миллатларда мақталган. Баъзи миллатларда пешонанинг ясси бўлиши гўзаллик рамзи ҳисобланган. Шунинг учун уларда чақалоқ туғилгач, унинг пешонаси ясси бўлиши учун

бошига тахта бойлаб қўйишган.

қошлари ойсимон узунчоқ

Қошлари мукамал бўлиб, бир-бирига уланмаган ҳолда бир-бирига яқин эди
икки қошларининг ўртасидан томир ўтган бўлиб, ғазаблари чиққанда ўша
томир шишарди

Бурунлари узунчоқ бўлиб, унинг нури бор эди

Серсоқол эдилар.

Яноқлари бўртиб чиқмаган эди.

Оғизлари катта, олд тишлари ораси очиқ

Бўйинлари чизиб қўйилган суратдек соф кумушга ўхшаган мусаффо эди.

Қоринлари чиқмаган, кўксилари билан баробар эди.

товонлари ясси ҳам эмас, бўртиб ҳам чиқмаган мўътадил эди.

Юрганда кўзлари ерга қадалган эди. Осмонга қарашлари билан ерга
қарашлари солиштирганда, ерга қарашлари кўпроқ эди

Нарсаларга назар ташлашларининг аксари мулоҳазали назар эди.

Юрганда саҳобаларини олдинга ўтказиб ўзлари уларнинг орқасидан юрар

Йўликқан одамга биринчи бўлиб салом берар эдилар

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIIDLARI

